

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ПРОФИЛАКТИК СУҲБАТИНИ
АМАЛГА ОШИРИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ИЛҒОР
ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ**

Абдуҳалимов Шохрух Шокир ўғли
ИИВ Академияси 312-гуруҳ курсанти

Аннотация: Ушбу мақолада тадқиқот мавзусининг долзарблиги, профилактика инспекторларининг профилактика суҳбатини амалга ошириш фаолиятини такомиллаштириш тушунчаси, бугунги кундаги ҳолати, профилактика инспекторларининг профилактика суҳбатини амалга ошириш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, профилактика инспекторларининг профилактика суҳбатини амалга оширишни қўллашнинг амалёти таҳлили ҳамда ушбу фаолият доирасида юритиладиган процессуал ҳужжатлар, ушбу фаолиятдаги муаммо ва камчиликлар, шунингдек айрим турдаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича бир қатор таклифлар билдирилган ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасида профилактика инспекторларининг профилактика суҳбатини амалга ошириш фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий асослари, шунингдек юқорида кўрсатиб ўтилган жиҳатлардан фойдаланган ҳолда ушбу фаолиятни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ёритиб ўтилган.

Калит сўзлар: профилактика инспекторлари, профилактика суҳбати, процессуал ҳужжатлар, муаммо ва камчиликлар.

Мамлакатимизда бугунги кунда ички ишлар органларининг профилактика хизматларининг фаолияти ривожланган давлатлар тажрибалари ва маҳалла институтини инобатга олган ҳолда ташкил этилган.

Ҳозирги кунда жамиятда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятларнинг олдини олиш каби бир қатор вазифалар малакатимизда профилактика инспекторлари томонидан амалга оширилиб келинмоқда.¹⁸²

Профилактика инспекторларининг профилактика суҳбатини амалга ошириш фаолиятида илғор хориж тажрибаларидан ҳам самарали фойдаланиш мумкин. Масалан, ривожланган давлатлардан Америка Қўшма Штатларининг, Россия Федерациясининг ҳамда Европа ва Осиёнинг бир қанча давлатларининг тажрибаларини мисол келтиришимиз мумкин.

Америка Қўшма Штатлари – маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича дунёда ўзига хос тизим ва илғор тажрибага

¹⁸² Қаранг: ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун 2014-йил 14-май. ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун 2016-йил 16-сентябрь

эга бўлган давлатдир. АҚШда 40 мингдан ортиқ полиция идора-агентликлари мавжуд бўлиб, мамлакатда уларнинг бошқарилишини мувофиқлаштириб борувчи марказий полиция идораси мавжуд эмас. АҚШда **18789** та маҳаллий полиция участкалари мавжуд бўлиб, уларнинг **13578** таси умумий тартибдаги маҳаллий полиция бўлинмалари, **3088** таси шерифлар идоралари, **49** таси штатлар бўлинмалари, қолганлари эса маҳаллий ва штатлар махсус юрисдикция бўлинмалари (порт полициялари, транспорт полицияси ва бошқалар) ҳисобланади.

Америка Қўшма Штатларида профилактика инспекторларининг вазифаларини шерифлар амалга оширадилар. Шерифларнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

– Шерифлар ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда яъни графликлар ёки мустақил шаҳарларда тинчликни сақлаш ва фуқаролар томонидан қонунларнинг ижро этилишини назорат қиладилар;

–Аҳоли тинчлиги, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлайдилар;

–Графликларни назорат қиладилар;

–Ҳужжатлар билан ишлайдилар, яъни бирор фаолият билан шуғулланиш учун лицензиялар берадилар;

–Ариза ва шикоятларни кўриб чиқадилар ва хал қиладилар, шунингдек, шикоятларга жавоблар берадилар;

–Ўз ўринбосарларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширадилар.

Америка қўшма штатларининг кўпгина штатларида шерифлар лавозимга сайлов йўли билан танлаб қўйилади.

Шериф бўлиш истагида бўлган номзодлар бир қанча талабларга жавоб бериши лозим. Шериф бўлиш учун номзод камида 21 ёшга тўлган бўлиши, ҳеч қандай жиноят содир этмаган бўлиши ва албатта юқори мактабни тугатганлиги тўғрисидаги дипломи бўлиши ёки ГЭД си бўлиши лозим.

Бироқ, бу каби юридик фаолиятда юқори мактаб дипломи ёки ГЭД дан ҳам кўпроқ юридик билимга эга бўлиш ҳар доим афзал саналади. Мисол қилиб айтадиган бўлсак, жиноят судларида коллеждан тавсия этилган номзодлар юқори мактаб дипломига эга номзодларга қараганда узоқроқ муддатга олиб қолиниши мумкин.

Бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар каби бу касб эгалари учун қайси бўлимда ва қандай унвонга эгалигидан қатъий назар юқори даражада жисмоний ва жанговор тайёргарлик зарур ҳисобланади. Чунки кундалик фаолиятда шерифлар узоқ муддат давомида бир жойда ўтириб ишлашига ёки тик турган ҳолатда хизмат қилишига тўғри келади. Шунингдек, ўртача оғирликдаги буюмларни ёки жароҳат олган, ўлган одамларни кўтаришига, ўз ҳудудида қидирув ишларини олиб боришга ёки жиноятчиларни таъқиб қилишга ва бошқа юқори жисмоний ва жанговор тайёргарлик талаб этиладиган ишларни амалга оширишига тўғри келади.

Ҳар бир ходимнинг кўриш ва эшитиш қобилияти департамент стандартларига жавоб бериши лозим. Бундан ташқари, фуқаролар билан муомила қила олиш қобилияти бўлиши ва асосий математик билимларга ҳам эга бўлиши қатъий талаб этилади.

Америка Қўшма Штатларининг Калифорния ва бошқа бир нечта штатларида шерифлар лавозимга танланишда ҳуқуқий билими тест синови орқали аниқланади. Тест натижаларига кўра, юқори натижаларга эришган номзодлар шериф лавозимига тайинланадилар.

Тайинланган шерифлар биринчи навбатта ўзи хизмат олиб борадиган штатнинг қонун-қоидаларига ва умумий қоидаларга жавоб бера оладиган шахслар ҳисобланади. Шерифлар «sheriff's offise» ёки «sheriff's Department» деб аталадиган бўлимларда хизмат олиб боришади.

«sheriff's Department» яъни шерифлик департаменти полиция департаментига қараганда кичикроқ бўлади.

Одатда “Шериф департаменти” мамлакатдаги жинойтчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда ҳамда мамлакатда қонунчиликни таъминлашда шаҳар полициясига қараганда кўпроқ жавобгар ҳисобланади. Яъни Шериф департаментининг масъулияти юқорироқ ҳисобланади.

Баъзи шаҳарларда шаҳар полицияси мавжуд эмас, бундай ҳудудларда шаҳар полицияси вазифасини Шериф департаменти амалга оширади.

Шерифлар ўз хизмат вазифаларини бажариш давомида алоҳида давлат идораларида ҳам хавфсизликни таъминлайдилар ва қамоқхоналарда назоратни амалга оширадилар.

Шерифларга 2-даражали назоратчилар бўйсинади. Шериф ҳам ўз қўл остидаги 2-сонли назоратчилар билан худди пирамида тузилишидек маъмурий ҳудудда энг юқори мансабдор шахс ҳисобланади.

Америка Қўшма Штатлари “Миллий Шерифлар Ассоциацияси” нинг маълумотларига кўра, 2018 йилда АКШда шериф идораларининг сони 3081 тани ташкил этган. Энг катта ҳисобланган Лос Анжелес штатидаги «sheriff's Department»да ва бошқа шерифлик идораларида 16400 нафар ходим ва 400 нафар заҳирадаги ходимлар фаолият олиб боради.

АКШдаги мавжуд 50 штатдан 48 тасида шериф лавозими жорий этилган ва мазкур штатларда шерифлар фаолият олиб боришади.

Шерифлар турли штатларда турли муддатларга сайланадилар. Америка Қўшма Штатларининг 42 штатида 4 йил муддатга сайланадилар. Нью Жерси штатида 3 йил муддатга ва Масасуетда 6 йилга сайланадилар.

Шерифлар бошқа ўрнатилган тартиб-қоидалардан фарқли равишда 4 йил муддатга танлов ҳуқуқи билан яна қайта сайланиши мумкин. Овоз берувчиларнинг аксарият қисми шериф маъмурий ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда қонун нормаларига риоя қилинишини назорат қилиш ва қонунбузарларни жазолаш ваколатига эга

эканлиги сабабли уларни афзал кўришади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, шерифлар мамалакат бўйлаб тинчлик-осойишталикни сақлайдилар, фуқаролар томонидан қонунларга риоя этилишини ва уни бузилишини олдини оладилар. Бундан ташқари қонун бузганларга нисбатан жазо чораларини ҳам қўллайдилар.

Шерифлар шубхали, қидирувда бўлган ва бошқа шунга ўхшаш шахсларни кузатиш ва лозим бўлса хибсга олиш ҳуқуқига ҳам эгалар. Жиноят содир этган шахсларни шахсини аниқлаш, суддан олдин тергов қилиш каби вазифаларни ҳам бажарадилар.

Америка қўшма штатларида кичик шерифлик пунктлари ҳам мавжуд бўлиб, улар асосан оилавий келишмовчиликлар ва маҳаллий низоларни кўриб чиқадиладар ва ҳал этадиладар.

Кўпгина шерифлик идоралари ўз хизмат ҳудудларида мамлакатимизда профилактика инспекторлари томонидан қўлланиладиган профилактика суҳбатини амалга ошириш каби бир қатор ишларни ҳам амалга оширадилар. Бунга қуйидагиларни мисол қилишимиз мумкин:¹⁸³

–Йўл ҳаракатини назорат қилиш;

–Йўқолиб бораётган ёки овлаш тақиқланган ҳайвонларни асраш, уларни броконерлардан химоя қилиш;

–Рўй берган бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва уларнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш ҳамда тергов ҳаракатларини амалга ошириш;

–Жиноятчиларни қидириш;

–Таълим муассасаларида тинчликни назорат қилиш;

–Давлатга қарашли бўлган биноларни қўриқлаш ва бошқалар.

Кичик шерифлик пунктларидан ташқари, катта шерифлик идоралари ҳам мавжуддир. Улар асосан нисбатан каттароқ ҳисобланган ва оғирроқ жиноий ишларни кўриб чиқадиладар ва ҳал қиладилар.

Энг катта ҳисобланадиган асосий шериф идоралари эса штатлараро ҳаракат қилиб, штатлараро можароларни ҳал қиладилар.

АҚШ да шерифлар фаолиятини ўрганиш натижасида Америка Қўшма Штатларида бўлгани каби мамлакатимизда ҳам профилактика инспекторларининг кундалик фаолиятида амалга оширадиган ишларини ҳисобга олиб, профилактика инспекторларининг лавозимга тайинланиш ёшини 18 ёшдан 21 ёшга ўзгартиришни таклиф этамиз.

Профилактика инспекторларини лавозимга тайинлашда унга бириктириладиган маъмурий ҳудуднинг криминоген вазиятидан келиб чиқиб ва профилактика инспекторларининг шахсий ва касбий хусусиятларини ҳамда иш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда тайинлаш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз.

¹⁸³ Қаранг: Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун 2014-йил 14-май.

Бу борада ўзига хос тажриба Россия Федерациясида тўпланган. Мамлакат Конституциясининг 72-моддасига мувофиқ, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш Россия Федерацияси ва субъектларининг биргаликдаги бошқарувида амалга оширилади. Ижроия ҳокимиятига раҳбарликни амалга ошириш асосида Президент ва ҳукумат қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, мулкчилик ва жамоат тартибини кўриқлаш бўйича ташкилий-бошқарув чора-тадбирларини амалга оширади, шунингдек жинойий-ҳуқуқий сиёсатнинг асосий йўналишлари, ресурсларини белгилайди¹⁸⁴.

Европа мамлакатлари орасида маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида яна бир ўзига хос тизим Германияда қарор топган. Европа мамлакатлари орасида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида яна бир ўзига хос жиҳатга эга бўлган тизим Францияда шаклланган. Франциянинг тўлиқ маҳаллий бюджет ҳисобидан таъминланадиган муниципал полицияси шаҳарлар ва бошқа аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлайди ҳамда хавфсизлигини таъминлайди ва бу борада улар Миллий полиция билан узлуксиз ҳамкорликда фаолият олиб борадилар.

Осиёда маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ўзига хос тизимга эга давлатлардан бири – Япония. Мамлакатда полиция ташкил этилган 1874 йилдан 1947 йилга қадар бутун бир марказлашган тизим шаклланган бўлса, урушдан кейин 1954 йилда қабул қилинган «Полиция ҳақида»ги қонунга мувофиқ, давлат аппаратида полиция кучларига раҳбарлик ва умумий назоратни амалга ошириш вазифаси тўғридан-тўғри Бош вазирга бўйсунувчи Жамоат хавфсизлиги давлат комиссиясига топширилган.

Жойлардаги Жамоат хавфсизлиги префектурал комиссиялари эса маҳаллий префектура губернаторига бўйсунди. Япония полициясининг ташкилий тузилиши ва фаолиятида муайян марказлашганлик мавжуд бўлиб, Токио полиция бошқармаси ва бошқа префектурал штаблар устидан тегишли жамоат хавфсизлиги комиссиялари билан бирга, полиция бош бошқармаси ва маҳаллий полиция бошқармаларининг бошлиқлари раҳбарлик ва назоратни амалга оширадилар.

Ўзбекистондаги ички ишлар органларининг таянч пунктларига ўхшаш тузилмалар Россияда «тартибни сақлаш таянч пунктлари» деб номланиб, уларнинг мақсади жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи ташкилотларнинг фаоллигини ошириш ҳамда давлат органлари билан ҳамкорлигини яхшилашдан иборат. **Тартибни сақлаш таянч пунктлари** жамоатчилик органи ҳисобланиб,

¹⁸⁴ Қаранг: Криминология / Под ред. проф. Н. Ф. Кузнецовой, проф. В. В. Лунеева. – М., 2004. – С. 204. 2 Қаранг: Правовое регулирование деятельности органов внутренних дел: Сб. нормативно-правовых актов. – Т.1 / Отв. ред. В.А. Васильев. – М., 2001. – С. 103–114.

унга кирувчи жамоатчилик тузилмаларининг келишилган ҳолда фаолият кўрсатиши Кенгашлар томонидан таъминланади.¹⁸⁵

Россия Федерациясида ички ишлар органлари тизими милициядан полицияга ўзгартирилгандан кейин мамлакатда тартибни сақлаш таянч пунктлари «полиция участка пунктлари» сифатида номлана бошлади. Полиция участка ноziри – полиция участка пунктларининг асосий субъектларидан бири бўлиб, уларнинг фаолияти Федерация ИИВнинг 2012 йил 31 декабрдаги буйруғи билан тасдиқланган «Полиция участка нозирларининг фаолиятини ташкил этиш масалалари»га доир буйруқ асосида ташкил этилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда полиция участка нозирларининг асосий хизмат вақти маъмурий ҳудудда ўтиши белгиланган бўлиб, улар жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда тадбирлар олиб бориш зарурати туғилганида полиция участка пунктларида фаолият кўрсатадилар. Ўтказилган социологик сўров натижаларидан маълум бўлишича, мамлакат аҳолисининг 70 фоизи ҳудудий яқинлиги ва тезкор ҳаракат қилиш имкониятини инобатга олиб, полиция участка нозирларига мурожаат этишни маъқул кўрадилар. «Полиция тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасига кўра, полиция участка нозирларини маъмурий ҳудудда хизмат олиб боришга мўлжалланган бино билан таъминлаш, мазкур бинони мебель, тегишли техника ва алоқа воситалари билан таъминлаш, техник жиҳатдан эксплуатация қилиш федерал бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Шунингдек, Россия Федерациясининг бир қатор ҳудудий ички ишлар органлари тизимида полиция участка нозирининг ёрдамчиси лавозими мавжуд бўлиб, ушбу лавозимга қабул қилинган ҳар бир ходим туман, шаҳар ички ишлар органи бошлиғининг буйруғи билан муайян полиция участка нозирига бириктирилади ҳамда унинг раҳбарлигида хизмат қилади. Полиция участка нозирининг жиноят ва ҳуқуқбузарлик ишлари юзасидан мустақил процессуал қарор қабул қилишдан ташқари барча ҳуқуқ ва мажбуриятларидан унинг ёрдамчиси ҳам фойдаланишига рухсат этилади.¹⁸⁶

¹⁸⁵ Қаранг: Уэда К. Преступность и криминология в современной Японии / Пер. с яп. – М., 1989. 1– С. 151–152.

¹ Қаранг: Административная деятельность ОВД. – М., 2006. – С. 17–18.

² Қаранг: Административная деятельность органов внутренних дел. Часть особенная. / Под ред. д-ра юрид. наук, проф. А.П. Коренева. – М., 1999. – С. 70

¹⁸⁶ Қаранг: Правовое регулирование деятельности органов внутренних дел: Сб. нормативно-правовых актов. – Т.1 / Отв. ред. В.А. Васильев. – М., 2001. – С. 315.

Қаранг: Мышляев Д. Н. О роли участковых инспекторов милиции в предупреждении административных деликтов, посягающих на общественный порядок// Проблемы деятельности служб общественной безопасности на современном этапе. – М., 2000. – С. 100.

Қаранг: Федеральный закон Российской Федерации от 07.02.2011 г. N 3ФЗ «О полиции» (редакция от 13.07.2015) / [Электронный ресурс]. – Режим доступа: – URL: <http://sudact.ru/law>. (дата обращения: 14.02.2018).

Германия полициясининг аҳоли турар жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланувчи энг қўйи тузилмалари ҳам тартибни сақлаш пунктлари ҳисобланади. Улар турли жойларда турлича: «Бош полиция вахталари», «Полиция вахталари», «Полиция станциялари», «Полиция постлари», «Полиция инспекциялари» каби номланиши мумкин. Ушбу тузилмалар ҳам, милиция таянч пунктлари сингари, кечаю кундуз фаолият кўрсатади. Японияда аҳоли турар жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш полициянинг қўйи бўғинлари – полиция пост ва пунктлари томонидан амалга оширилади. Мамлакатда полиция фаолиятини такомиллаштириб боришнинг устувор йўналишларидан бири уларнинг жамоатчилик билан ҳамкорлигини кучайтириб боришдан иборатлигини яхши тушунган

Япония ҳукумати полиция фаолиятининг дастлабки даврларидан аҳоли турар жойларида полиция пост ва пунктларининг фаолиятини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратган. Натижада 1982 йилнинг бошидаёқ мамлакатда 9446 та полиция пости ва 6053 та полиция пункти аҳолига хизмат кўрсата бошлаган. Умуман олганда, ушбу пост ва пунктлар Япония полициясининг ўзаги бўлиб, уларда полиция ходимларининг 40 % хизмат қилади. Полиция постлари қишлоқларда жойлашган бўлиб, уларда битта полиция ходими ишлайди ва ўз оиласи билан истиқомат қилади. Полиция пунктлари эса асосан шаҳарларда жойлашган бўлиб, ходим учун фақат хизмат хонаси вазифасини бажаради. Мамлакат қонунларида ҳар бир полиция ходимига ўртача 400 та оила тўғри келиши лозимлиги назарда тутилган. Хизмат давомида патруль-пост хизмати ходимлари аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан жиноятларнинг олдини олиш бўйича суҳбатлар ўтказиб, уларни керакли ахборотлар билан таъминлайдилар, шунингдек жамоатчиликнинг полиция фаолиятига доир фикрини ўрганиб борадилар.

Ҳозирги кунда кўплаб хорижий мамлакатларда маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида муниципал ички ишлар органлари, уларда ишловчи ходимларнинг ҳуқуқий мақоми кенг муҳокама қилинмоқда, жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияларининг бўлинмаслиги маҳаллий доирадаги масалаларни мустақил ҳал қилишда ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини чеклаб қўяётгани боис жамоат тартибини сақлаш ваколатларини бевосита муниципал тузилмаларга бериш таклиф қилинмоқда.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ш. Мирзиёев “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг

масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5005-сонли фармони. 4-бет.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 2 апрел ПҚ5050.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб қувватлаш ҳамда оила ва хотин қизлар билан ишлаш тизимида янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 18 февралдаги ПФ5938.

4. Х.Х.Баҳромов.”Ички ишлар идоралари томонидан маъмурий мажбурлаш чораларини қўллаш асослари ва тартиби”.ўқув қўлланма.Тошкент. 2014.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ички ишлар органлар кадрлар билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ 3413-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14-мартдаги «Хўкўкбўзарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кўрашиш тизимини янада такомиллаштир чора тадбирлари тўғрисида»ги 2833сонли қарори